



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 245 (11.556)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ

ТИНЧИК ВА ДУСЛИК  
2200  
2009  
ТОШКЕНТ

## БИР КУНИ



Қўшма корхоналарда

### ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

Мамлакатимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл, хорижий инвесторларга яратилган қулай имкониятлар чет эллик ҳамкорлар билан шерикликда қўшма корхоналар сафи кенгайишида, мазкур корхоналарда тайёрланган маҳсулотларнинг ички ҳамда ташқи бозорда харидорлиги ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, бу борада хориж сармояларини жалб этган ҳолда корхоналар цехларининг бугунги кун талабига мос маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган оқсак унумли технологик ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланганлиги, мутахассисларнинг илгор технологияларни муваффақиятли қўллаган ҳолда изланишлари қўл келаяпти.

Буюк британиялик ҳамкорлар билан шерикликда ташкил топган ва 2006 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Hi-Tech Kabel» қўшма корхонаси ҳам ана шундай жамоалар сирасидан бўлиб, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиши муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Корхонада тайёрланган сифатли маҳсулотлар нафақат ички бозорда харидорини топтоқда, балки Афғонистон, Грузия, Украина, Қозоғистон сингари давлатлар-

га ҳам етказиб берилаётгани ана шу ютуқларнинг исботидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, корхона цехларида бозорни тинмай ўрганиш асосида тайёрланаётган маҳсулотлар сифат менежменти тизимининг ISO 9001-2000 халқаро стандарт талабларига тўла жавоб бермоқда. Буюртмалар асосида ишлаб чиқарилаётган ласт ва юқори кучланишга эга бўлган кабеллар ва кабель-ўтказгичларнинг рақобатбардошлиги таъминланмоқда. Шу боис ҳам ушбу маҳсулотларга буюртмалар кўпаймоқда. Бу эса корхона ходимларидан масъулиятни талаб этади. Уларга меҳнат қилиш ва дам олиш шароитлари кўнгилдагидек амалга оширилаётгани иш унумдорлиги ҳамда маҳсулот сифатини таъминлашда муҳим ҳисса бўлмоқда.

Иқтисодийтимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшаётган мазкур корхонада 400 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар хорижий, яъни Финляндия, Италия, Германия, Австралия сингари мамлакатлардан келтирилган дастгоҳларни моҳирона бошқарган ҳолда ўз корхоналари ютуғини таъминлашмоқда.

Тадбиркорлар бугунги кунда катта изланишлар олиб боришмоқда. Бу изланишлар самараси эса яқин кунларда ишлаб чиқарилиб, харидорларга тортиқ этиладиган янги маҳсулотларда аксини топиши, шубҳасиз. Ахир, «Излаган имкон топади», деган ибора бекоорга айтилмайди-ку.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТДА: корхона мутахассислари ҳамшира изланишда.  
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

### АМЕРИКАЛИК ЭКСПЕРТ:

### БЎЛҒУСИ САЙЛОВЛАР ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧ БЎЛАДИ

Яқинда «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири Вашингтонда 15 йилдан зиёд давомда Қўшма Штатларнинг ва Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорлигининг ривожланиши масаласи билан изчил шуғулланиб келаётган таниқли америкалик эксперт, доктор Борис Пинкус билан учрашди ва бир неча саволларга жавоб олди.

Б.Пинкус раҳбарлик қилаётган Американинг Марказий Осиё уюшмаси жамоатчилик орасида – сиёсий ва маданий доираларда катта мавқега эга. У АҚШ Конгресси ҳузурида қонун чиқарувчиларнинг Марказий Осиё ҳамкорлик гуруҳи (Caucus on Central Asia) норасмий маслаҳат тузилмасини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлган. Энг аввало, АҚШ катта қизиқиш билдираётган минтақавий йўналишларда бундай жамоатчилик тузилмаларининг ташкил топиши Америка сиёсий аъёнларига хосдир.

Б.Пинкус шу йил декабрь ойининг охирида Американинг ижтимоий-сиёсий, эксперт ва маданий доиралари вакилларидан иборат катта гуруҳ билан Олий Мажлис сайловларининг халқаро кузатувчиси сифатида Ўзбекистонга келади.

Мен 90-йиллардан бошлаб Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг тизимли мониторингини олиб бормоқдан, — деди Б.Пинкус. — Таҳлиллар менга Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барқарор ва жўшқин ривожланадиган сиёсий тизим, профессионал асосда фаолият юритадиган икки палатали парламент ташкил топгани, демократия ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар талабларига жавоб берадиган сайлов тизими ва сайловларнинг қонунчилик базаси, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида фаол иштирок этишлари учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар шакллантирилганини тасдиқлашим учун далил бўлади.

Олдинда турган сайловлар, менинг назаримда, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тарихида янги босқич бўлади. Улар, партиялар фаолиги ва партиялар ўртасидаги рақобатнинг ўсиб боришини намойиш этиш билан бирга, фуқароларнинг давлат бошқаруви ва мамлакатнинг сиёсий жараёнида қатнашишини таъминлайди. Ўзбекистонга борганимда мамлакатнинг сиёсий тизимида қандай жиҳдий ва аниқ-равшан ўзгаришлар бўлаётганини, кучли демократик институтларнинг мустақим пойдевори қўйилганини кўраман.

Б.Пинкуснинг фикрига кўра, «Булларнинг барчаси мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини амалга оширишда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатлашувнинг кучайишига кўмак беради. Шу асосда кенг қамровли сиёсий ва ғоявий манфаатларни билдиришга хизмат қиладиган парламент ва бутун бошли сиёсий механизм фаолияти тақомиллашадир».

Эксперт аминки, «Ўзбекистонда сайлов тизимини янада либераллаштириш сари жуда муҳим қадамлар қўйилган. Биринчидан, партияларнинг қонун ижодкорлиги иши ва ижтимоий-сиёсий фаолиги даражасини оширувчи омил – Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини кўпайтиришди. Иккинчидан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзодларни кўрсатиш тажрибаси тугатилди. Учинчидан, депутатлик ўринларидан маълум бир қисми Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун ажратиб берилди. Бу жамият ва давлатни экологик аҳвол ва миллат солиғини яхшилашга ундовчи катта эътиборни кўрсатади. Тўртинчидан, сайлов жараёнидаги транспарентлигини оширувчи сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари институти киритилди. Бешинчидан, депутатлик ваколатларга ишончи вакиллар миқдори оширилди ва сайлов комиссияси фаолиятининг очиқлигини таъминловчи меъёрлар киритилди».

Айни пайтда, Б.Пинкус таъкидлаганидек, «ҳар қандай мамлакатнинг сиёсий тизимини шакллантиришда тарих, маданият ва шу юрда истиқомат қилувчи халқ менталитети асосий таъсир кўрсатиши рад этиб бўлмайдиган аниқ далилдер. Теран ва қадимий цивилизацияларга эга бўлган Ўзбек халқи жамият қурилиши ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш масалаларини ўзининг маданий аъёнларига ва ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ҳал этади. Мен бу ерда президент Ш.Обаманинг шу йил 4 июнда Қоҳира университетда сўзлаган нутқидаги: «дунёнинг ҳеч бир давлати ўз қадриятларини бошқа бир мамлакатта мажбуран сингиролмагани ва бундай қилмаслиги керак. Ҳар бир давлат ўз халқининг аъёнларини билан боғлиқ ўз ривожланиш тамойилларига асосланади» деган сўзларини келтиришни истардим.

(Давоми 2-бетда).

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этадиган МДХ Ижроия қўмитасининг кузатувчилари миссияси штаби ишга киришди.

### ХОЛИСЛИК — КУЗАТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНУНГ МЕЗОНИ

МДХ Ижроия қўмитаси кузатувчилари миссияси Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш бўйича ўз вазифаларини амалга оширишга катта масъулият билан ёндашади, — дейди В.Гаркун. — Миссия таркибига 84 нафар кузатувчи киритилган. Сайлов мониторингини амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида улар мамлакатнинг барча ҳудудларида, сайлов округи ва участкаларида фаолият юритади. Миссия бу борада турли мамлакатлардаги сайловлар бўйича амалга

оширган 50 та кузатуви давомида тўпланган тажрибага асосланади. Ўз фаолиятимизда биз фақат бевосита кузатув жараёнида олинган маълумотларга асосланамиз. Сайлов жараёнини холис ўрганиш асосида миссиянинг Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш натижалари бўйича яқини баёноти тайёрланади ва сайловнинг эртаси кун тақдим этилади.

Анна ИВАНОВА,  
Ўза муҳбири

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда «Биоорганик кимё муаммолари» мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.

• Бухорода ижтимоий мавзудаги медиа-маҳсулотларнинг Миллий фестивали ташкил этилди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 20 га яқин нодавлат телерадиостанциялар иштирок этиб, ўзларининг солиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳалардаги кенг қўламдаги ишларини акс эттирувчи 400 га яқин медиа-маҳсулотлари, радио ва видеороликларини тақдим этдилар. Шу кун «Истиқлол-ТВ» телерадиостанцияси янги биносининг очилиши ҳам бўлиб ўтди.

• Республикамиз Конституциясининг 17 йиллиги байрами арафасида Самарқанд ҳарбий гарнизонининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари янги уйлارга кўчиб ўтдилар. Шу кун ҳарбийлар шаҳарчасининг «Ватанпарвар» маҳалласида 64 хонадонли турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

• Кармана туманида ветеринария препаратларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган мини-завод ишга тушди. Ҳозирги кунда МЧЖ «Perfekt Prool» томонидан етти турдаги препаратлар, жумладан, витаминлаштирилган озиқ-овқатга қўшилмаларни тайёрлаш ўзлаштирилди. Улар қишлоқ хўжалиги жониворлари касаллигининг олдини олишга мўлжалланган самарали воситалардир.

• Навоий вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида «Қалб меҳри» ижтимоий-ҳуқуқий маркази иш бошлади. Янги марказда хотин-қизлар учун ҳуқуқий маслаҳатлар бериш йўлга қўйилди, шу билан бирга, уларга пазандалик, чеварлик ва компьютер сирлари бепул ўргатилмоқда.

• Гулистон шаҳридаги Суратлар галереясида сирдарёлик ёш rassomлар асарларининг кўргазмаси ташкил этилди. Энг яхши асарлар муаллифлари бўлган ўнга яқин ёш мўйқалам устаси тадбир ташкилотчилар томонидан Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

• Ўзбек Миллий академик драма театрининг бир гуруҳ артистлари Сролбўйида гастрол сафарига бўлишди. Театр жамоаси бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида одам савдоси ва унинг машум оқибатлари тўғрисида ҳикоя қилувчи сахна асарини намойиш этди.

### ЖАҲОНДА

• Кеча Руминияда шу йилнинг 6 декабрида янги муддатга сайланган Президент Траян Басескунинг инаугурация маросими бўлиб ўтди.

• Беларусь сенати жамоат жойларида кучсиз алкоғол ичимлиги — пиво ичишни тақиқловчи қонун лойиҳасини маъқуллади. Ушбу қонун жамоат транспортда ичиб юриш ва сархуш ҳолатда транспорт воситаси бошқаришни ҳам қатъий тартибда ман этади.

• Хавфлилик жиҳатидан олий даражали деб ҳисобланаётган «Лоренс» тропик бўрони Австралияда бир қатор вайроғарчиликларга олиб келди.

• Норвегиянинг «СтатойлГидро» нефть-газ компанияси Шимолий денгизда ҳажми 30 миллион баррелга тенг нефть қонини аниқлади.

• Миср бундан уч ярим минг йил аввал ишланган машҳур малика Нефертитининг ҳайкаласини қайтаришни сўраб Германияга расман мурожаат қилди.

• Кеча кучли қор ёғиши туфайли Лондондаги учта аэропорт ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

• Испаниянинг AirCamef авиакомпанияси ўзининг банкрот бўлганлигини эълон қилди.

• Кеча Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ФИФА томонидан аргентиналик футболчи Лионель Месси 2009 йилда жаҳоннинг энг яхши футболчиси деб тан олинганлиги эълон қилинди ва унга тантанали равишда мукофот топширилди.

• Япониянинг Nissan компанияси Лос-Анжелесда бўлиб ўтган автошоу «Design Challenge Youthmobile 2030» кўрик-танловда голибликни қўлга киритди. Nissan компанияси ходимларининг айтишича, улар томонидан намойиш этилган V2G модели 2030 йилда ёшларнинг энг сеvimли электромобилига айлиниши эҳтимолдан ҳоли эмас.

### ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

#### ШАҲРИМИЗДА

аҳолини фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш масаласига бағишлаб фавқулодда вазиятлар хизмати ходимлари иштирокда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

#### 1-ТОШКЕНТ

педагогика коллежида баркамол авлод тарбиясида таълим тизимининг самарали усулларидан фойдаланишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари педагоглари иштирок этишди.

#### 144-МАКТАБДА

ўқитувчилар, ўқувчилар иштирокида уюштирилган тадбирда ёшлар тарбиясини шакллантиришда ноанъанавий интерфаол усуллар ва замонавий технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

#### ШАҲРИМИЗДА

электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган медиа фестивал Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан уюштирилди.

АМЕРИКАЛИК ЭКСПЕРТ:

**БЎЛҒУСИ САЙЛОВЛАР  
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА  
ЯНГИ БОСҚИЧ БЎЛАДИ**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умуман, Ўзбекистондаги сиёсий жараён изчил суръатда ривожланмоқда, деган хулосага келишим мумкин. Одамларнинг сиёсий, ижтимоий ва фуқаролик онги ҳамда уларнинг атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, мамлакат барқарорлигини мустаҳкамлашга нисбатан тушунчаси ва масъулиятининг ортгани Ўзбекистондаги сайлов кампаниясининг ўзига хос жиҳатини белгилловчи энг муҳим омил саналади.

— Шу нарса ойдек равшанки, бугунги кунда, "Марказий Осиёнинг сиёсий доминантаси" бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмасдан туриб, минтақавий хавфсизлик ва тараққиётга гов бўлаётган долзарб муаммоларини ҳал этишда жиддий силжиларга эришиб бўлмайди, — деди эксперт. Мазкур муаммолар жумласига Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши самарали кураш воситалари, гиёвандлик хавфи ва трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш, минтақанинг энергия ресурсларининг дунё бозорларига етказилишини диверсификациялаш каби масалалар кирди.

Доктор Б.Пинкус алоҳида қайд этдики, «Вашингтонда Афғонистонда доимий тинчлик ва барқарорликка эришиш борасидаги Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва савий-харакатларини қадрлашди. АҚШнинг ижтимоий-сиёсий доираларига Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг афғон муаммосини ҳал этиш бўйича таклифи, айниқса, унинг Афғонистон бўйича «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш борасидаги ташаббуси жиддий таъсир кўрсатди. Назаримда, АҚШ ҳукуматининг Афғонистонга муносабатидаги янги стратегиясининг кўп жиҳатлари Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ёндашув ва таклифларга "ўшаб кетади".

Ўйлашимча, Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорликни ривожлантириш АҚШнинг мусулмон дунёси билан ўзаро муносабатларини тегнароқ англаш нуктаи назаридан Вашингтон учун муҳим аҳамият касб этади. Б.Обама маъмурияти Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси, маърифатпарвар ва бағрикенглик гоёларини тарғиб этувчи ислом динининг бой анъаналарини тиклашида, шунингдек, Ўзбекистон жамиятининг дунёвий тараққиёт йўлига содиқлигини ҳар томонлама ҳисобга олиши керак бўлади".

— Ишончим комил, яқинда Америка Қўшма Штатлари Конгресси қошида тузилган *Марказий Осиё ҳамкорлик гуруҳи* Марказий Осиёнинг башариат микёсида тутган ўрни ва аҳамиятини юксалиб бораётгани ва Конгресс томонидан минтақада кечаётган жараёнларни тегнароқ англаш заруратини билдиради, — деди Б.Пинкус. — Америка жамоатчилиги *Марказий Осиё ҳамкорлик гуруҳининг* ташкил этилишини маъмурият ва Конгресснинг ушбу асосий минтақага бўлган қарашларини ўзаро яқинлаштиришга қодир бўлган муҳим қарор сифатида юқори баҳолайди. Марказий Осиё, авваламбор, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ва маданият марказлари, асрлар давомида Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимол ўртасида кўприк вазифасини ўтаб келган, Буюк Ипак йўли бўйлаб эса, нафақат махсулот, балки гоёлар, маданиятлар, технологиялар ва билимлар алмашуви йўлга қўйилган. Дунё тарихида минтақа ўзининг муҳим аҳамиятини йўқотмаслигига ва уни давом эттиришига аминман.

Сўбат якунида америкалик эксперт Ўзбекистон халқига "тинчлик ва раванг, кучли ва очик демократик жамият барпо этишда улкан муваффақиятлар" тилади.

«Жаҳон» АА,  
Вашингтон

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келиши айни ҳақиқатдир. Бу борада кейинги пайтларда қабул қилинаётган бир қатор фармон ва қарорлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда.



**Қарор ва ижро**

**ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИГА  
МУҲИМ ЭЪТИБОР**



Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда жорий йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш бораидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида жойларда олиб борилаётган амалий ишлар таҳсинга сазовор бўлмоқда. Хусусан ушбу Қарорлар иж-

ўтказилди. Улар орасидан 2701 та аёлда экстрагенитал хасталиклар аниқланиб, амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштирилди. Шунингдек, туғиш ёшидаги аёлларга контрацепция ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилиб, 2200 нафар аёл контрацептив воситалар билан таъминланди. Булардан ташқари поликлиниканинг тиббиёт ходимлари мутахассислар билан биргаликда маҳаллаларда, ўқув масканларида аҳоли ҳамда ёшлар ўртасида савол-жавоб кечалари ташкил қилиниб, санитария-тарғибот ишлари кучайтирилган. Шунингдек, оилада тиббий маданиятни ошириш мақсадида оилаларда тиббий патронаж ўтказиб, ҳар бир хонадонга тиббий назорат дафтари тарқатилди. Оила шифокорлари ва акушер-гинекологлар билан бирга ҳар бир туғиш ёшидаги аёллар билан суҳбат ўтказиб, соғлом авлодни воёга етказиш учун турмуш тарзига қаратади. Оила шифокорлари ва акушер-гинекологлар билан бирга ҳар бир туғиш ёшидаги аёллар билан суҳбат ўтказиб, соғлом авлодни воёга етказиш учун турмуш тарзига қаратади. Оила шифокорлари ва акушер-гинекологлар билан бирга ҳар бир туғиш ёшидаги аёллар билан суҳбат ўтказиб, соғлом авлодни воёга етказиш учун турмуш тарзига қаратади.

— Бугунги кунда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш бораидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида жойларда олиб борилаётган амалий ишлар таҳсинга сазовор бўлмоқда. Хусусан ушбу Қарорлар иж-

роси бўйича Собир Раҳимов туманида жойлашган 14-оилавий поликлиника ҳам алоҳида режа асосида иш олиб борилмоқда.

— Бугунги кунда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш бораидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида жойларда олиб борилаётган амалий ишлар таҳсинга сазовор бўлмоқда. Хусусан ушбу Қарорлар иж-

Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: 14-оилавий поликлиника фаолиятдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

**Иқтисодиёт**

**ЗАМОНАВИЙ  
УСУЛЛАР АСОСИДА**

**Малакали мутахассислар жамланган жамоада ишлаб чиқариш сифати юқори бўлади. Шунингдек, янги лойиҳалар яратилишига, бозор талаблари даражасида махсулот турларини кўпайтиришга эришилади.**

Бунинг исботини пойтахтимиздаги «Технолог-технопласт» шўъба корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Шуниси эътиборлики, мазкур корхонада ҳар бир янги лойиҳа яратилар экан, албатта замонавий усуллар асосида ISO 9001-2000 халқаро сифат тизими қўлланилади. Натижаси эса қўтилганидек — ишлаб чиқарилаётган махсулот турлари халқаро талабларга жавоб беради.

Корхонада асосан ностандарт технологик ускуна ҳамда жиҳозлар, металлдан бутловчи қисмлар, пластмассадан санатда қўлланиладиган махсулотлар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлашга қаратилган эътибор махсулотлар сифатини оширишда муҳим ҳисса бўляпти. Металлни қирқашга мўлжалланган дастгоҳ ана шундай замонавий ускуналар сирасидан бўлиб, у ишчи ходимлар меҳнатини энгиллатди. Шунинг баробарида импорт ўрнини босувчи махсулот турлари ҳам ортди, буюртмачилар сафи кенгайди. Айниқса, изланишлар самара бериб, цехларда четдан келтирилган дастгоҳлар учун бутловчи қисмларнинг ишлаб чиқарилаётгани кўплай корхоналарни таъминлашда қўл келмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

**Тадбирлар**

**ЁШЛАР  
ИШТИРОКИДА  
МАЪРИФИЙ КЕЧА**

**Мустақиллик йилларида ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан етук, маънан баркамол шахслар этиб тарбиялашга катта эътибор қаратиб келинмоқда.**

Юнусобод туманидаги 97-мактабда ўтказилган "Воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш" мавзусидаги маърифий кеча ана шу эзгу ишларнинг узвий давоми ҳисобланади. Мазкур тадбир Юнусобод туман ҳокимияти ҳузуриндаги воёга етмаганлар иши бўйича комиссия, туман халқ таълими бўлими, "Камолот" ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда туман Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, туман ИИБ, маҳалла маслаҳатчилари, туман мактаблари раҳбарларининг маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, ота-оналар, ўқувчилар иштирок этишди.

Йўлбарлар Юнусобод туман ҳокимлиги ҳузуриндаги воёга етмаганлар комиссиясининг масъул котиби Ҳамид Қаюмов, туман ИИБнинг хавфсизликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи ўринбосари, майор Анвар Собирхонов, туман "Камолот" ЁИХ раиси Шухрат Комилов, "Шодлик" маҳалласи фаоли Мукамбар Маҳамдалиева, Увайсий маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Гулсара Тўраеваларнинг мавзу доирасидаги мулоҳазаларини тингладилар.

— Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига қиради, — дейди Юнусобод туман халқ таълими бўлими воёга етмаганлар билан ишлаш бўйича методисти Саодат Султонова биз билан суҳбатда. — Шу боис бугунги тадбиримизга профилактик назоратда турувчи ўқувчиларимизни таклиф этдик. Ўйлашимизки, бугун ўртага ташланган фикрлар, ибратли мулоҳазалар уларнинг дунёқарашига янги саҳифа очди.

Йўлбарлар юзасидан қарор қабул қилинди. Режалар белгилаб олинди. "Келажақ юлдузлари" театр студияси томонидан саҳналаштирилган "Адашганлар" спектакли барчада катта таассурот уйғотди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

**ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАР ИФОДАСИ**

**Д**емократиянинг энг муҳим тамойили — кишиларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўйбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун қонуний-ҳуқуқий замин яратиб беришидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилиги тизими яратилган бўлиб, унинг асосий мақсади — самарали, ишчан, профессионал вакиллик органларини сайлаш ва юқори фуқаролик ва ҳуқуқий маданиятли сайловчиларни шакллантириш бўлса, энг биринчи ва асосий хусусияти — бу унинг умумэтироф этилган халқаро андозаларга мослиғидир.

Халқаро сайлов қонунчилиги инсон ҳуқуқларига оид БМТнинг халқаро ҳужжатларида ўз аксини топган. Бу — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқароларнинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пакт (1966), ЙИХТнинг инсонийлик шакллантиришга оид Копенгаген анжумани ҳужжатлари (1990 йил), Парламентлараро Иттифоқ ҳужжатларидир. Мазкур ташкилот-

га 145 давлат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам аъзо. Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши 1994 йилда эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида декларация қабул қилди. Ушбу халқаро ҳужжатларда демократик сайловнинг тўртта умумэтироф этилган тамойилларга асосан ўтказилиши кўрсатилган, яъни умумий сайлов ҳуқуқи, тенг сайлов ҳуқуқи, тўғридан-тўғри сайлов

ҳуқуқи ва яширин овоз бериш ҳуқуқи.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тизимининг иккинчи муҳим хусусияти — «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг мавжудлиги ва Марказий сайлов комиссияси таркибининг тузилганлиғидир. Жаҳон амалиётида сайловларни ташкил этишнинг тўртта тури бор. Бу — сайловлар ҳуқумат ёки суд органлари томонидан ташкил этилади, кўппартиявий ёндашув бўлиб, манфаатдор сиёсий партиялар ўз вакилларини Марказий сайлов комиссиясига тайинлайдилар. Яна бири — мустақил Марказий сайлов комиссиясини тузишдир. Ўзбекистонда 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Марказий

сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда ушбу комиссияни тузиш, унинг ваколатлари ва иш тартиби батафсил тартибга солинган. Хулоса қилиб гапирадиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистонда халқаро стандартларга тўла мос келадиган сайлов қонунчилиги шакллантирилган. Бу борада барча меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштириладиган бўлса, тўла талабларга жавоб берадиган мустақил сиёсий институт ташкил этилади. Бу эса мамлакатимизда қрўнчилик ҳокимияти мукамал ва изчилликда фаолият олиб бораётганлигидан далолатдир.

Шахло МИРАЗИНОВА,  
Баҳодир АБДУМЎМИНОВ  
ТДЮ талабалари

**Анжуманлар**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

**Х**уқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қадам ташлаётган мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда онгини ошириш борасида бир қатор ишлар олиб берилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида худудий адлия бошқармаларида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажақдаги режалар» мавзусида ташкил этилаётган анжуманларни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

Яқинда шахримиздаги «Наврўз» мажмуида юқоридаги мавзу доирасида навбатдаги анжуман бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, шаҳар ҳокимлиги, пойтахтдаги барча нотариат идоралари, ФХДЭ органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идо-

раларнинг вакиллари, Тошкент давлат юридик институти ва Ўзбекистон Миллий университетининг битирувчи талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Нурмонжон Муҳамедов Адлия бошқармаси томонидан «Қишлоқ тараққиоти ва фаровонлиги йили»нинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деди: «Бошқарма томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 505 та шикоят ўрганилиб тегишли ташкилот ва муассасаларга 51 та тақдимнома киритилди, 9 та қарорнинг ижроси бекор қилиниб, 309 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар, фуқаролар ва хо-

рижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида 1144530864 сўмдан ортққ даъво аризалари қаноатлантирилди.

Тадбирда, шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини ошириш йўналишида ФХДЭ органлари томонидан олиб борилаётган тадбирлар ва навбатдаги вазифалар ҳақидаги маърузалар тингланиб камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар берилди.

Анжуман сўнгида жорий йилдаги «Хуқуқ билимдонлари» республика кўвонқлар ва зўк-қолар беллашувининг қолиблари бўлган шаҳарнинг «Еш ҳуқуқшунослар» гуруҳига Адлия бошқармасининг Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.  
Шоира МУҲАМЕДОВА

**Ёшлар ижод саройида «Келажак овози» республика кўрик-танловининг якуний республика босқичи бошланди.**

**ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ  
ЭТИЛМОҚДА**

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ЕТМ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур лойиҳа кўплай янги истеъдод эгаларини кашф этаётди, десак муболага бўлмайди.

Ёшларнинг ушбу танловга йилдан-йилга қизиқиши ортиб бораётганини келиб тушган аризалар сонидан билиб олиш қийин эмас. Жорий йилда танловга 63 минг нафарга яқин ўғил-қизлар ариза топширишди. Шулارнинг икки юз нафари танловнинг республика босқичига йўлланма олишган. 15 дан 25 ёшгача бўлган ёшлар танловда тўртта «Анъанавий ва амалий санъат» (18902), «Ахборот технологиялари, рационализоваторлик таклифлар ва техник ишланмалар» (16172), «Архитектура ва дизайн» (14718), «Бадий ижод ва публицистика» (13472) йўналишлари бўйича ўз билим ва кўникмаларини яна бир бор синовдан ўтказишди.

Республика босқичига ҳар бир вилоятдан ўн бештадан иштирокчи келган бўлиб, эндиликда улар ўзаро беллашиб, танловнинг жамоатчилик кенгашига ўз лойиҳаларини тақдим этишди.

Жорий йилнинг 26 декабрига қадар давом этадиган танлов тўртта номинация бўйича Тошкент Давлат техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент Фотосуратчилар уйи, Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтади. Бундан ташқари, ёшлар учун маданият ва санъат арбоблари билан турли учрашувлар, семинар-тренинглар, анжуманлар ҳамда соҳа мутахассислари томонидан маҳорат дарслари олиб борилиши кўзда тутилган. Шунингдек, иштирокчилар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштиришди.

Айтиш жоизки, танловнинг бу йилги қолиблари университетда ўқш учун таълим гранти (абитуриентлар учун) ёки (таҳсил олаётганлар учун) «Келажак овози»нинг махсус стипендиясини қўлга киритади.

Бир сўз билан айтганда, Фонд форум, танлов жамоатчилиги кенгаши ва «Келажак овози» ЕТМ томонидан лойиҳа қолиблари ва фаол иштирокчиларга ҳар томонлама кўмак кўрсатилиб, қолибларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида энг қизиқарли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида грантлар ажратилади. Халқаро фестивал ва дастурларда, кўргазма ва бошқа тадбирларда катнашишлари учун ҳам қулай шароитлар яратиб берилади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,  
«Туркистон-пресс»

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАХАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ

2009 йил 31 январдаги «Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиб, адвокатлик бюро, фирма ва ҳайъатларда адвокатлик фаолияти билан шуғулланмаётган шахсларнинг лицензияларининг амал қилишини тугатиш ҳақида»ги 13-ум-Б сонли буйруғига асосан куйидаги шахсларнинг лицензиялари БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Table with 4 columns: T/P, Ф.И.Ш., Лицензия рақами, Берилган санаси. Contains a list of individuals whose licenses are being revoked.

Table with 4 columns: T/P, Ф.И.Ш., Лицензия рақами, Берилган санаси. Contains a list of individuals whose licenses are being revoked.

Table with 4 columns: T/P, Ф.И.Ш., Лицензия рақами, Берилган санаси. Contains a list of individuals whose licenses are being revoked.



Кейинги пайтларда ёшлар ўртасида «тўйдан олдин никоҳ шартномасини тузиш керак экан» деган гаплар тез-тез кулоққа чалиниб қолмоқда. Илтимос, никоҳ шартномаси ҳақида тўлиқ маълумот берсангиз.

К.Соипова, Д.Қамбарова, Шайхонтоҳур тумани — Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 29-моддасига асосан никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқий ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишув никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди-га асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш тақозоси билан оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари жорий этган муҳим бир янги норма мамлакатимизда амал қилиб келмоқда. Бу эр-хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби бўлиб, кўпгина келиш-мовчилик, айниқса, никоҳдан ажрашаётган эр-хотинларнинг мол-мулк борасидаги келишмовчиликларнинг ва тарафлар муносабатларидаги бу билан боғлиқ паст-баланд гапларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Оила Кодексининг 29-моддасига мувофиқ, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳдан бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатида олинганга қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин бўлиб, бундай шартнома ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никоҳ давлат рўйхатида олинганга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатида олинган кундан бошлаб қучга қиради.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгаририлиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Куйидаги икки шарт талаблари қатъи таъминланган тақдирдагина эр-хотин ўзаро барча мулкий шартномавий муносабатларга киришишга ҳақли.

Биринчиси, бу муносабатларга қонунда йўл қўйилган бўлса;

Иккинчиси, бу муносабатлар тарафлардан бирининг ҳуқуқларини чеklangа қаратилмаган бўлса.

Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шартнинг юзга келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Эр-хотин қонунда йўл қўйилмаган барча мулкий шартномавий муносабатларга ўзаро киришишга ҳақлидир.

Дилфуза АЛИМЖОНОВА, Арифходжа АГЗАМХОДЖАЕВ, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар

Айтингчи, қачондан бошлаб гаров ҳуқуқи вужудга келади? Гаров тўғрисидаги шартномалар қандай ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилади?

Г.Аҳмедова, Бектемир тумани

— Гаров ҳуқуқи шартномаси тузилган пайдан, агар нотариал тасдиқланиши шарт бўлса, нотариал тасдиқланган пайдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса — у рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб вужудга келади. Ипотека тўғрисидаги шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарса ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланмаган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт.

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек, нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинмаган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

Ушбу саволга Чилонзор туман давлат нотариал идораси нотариуслари Василя КАРИМОВА, Муҳаррам ТУРСУНХОДЖАЕВ-Валар жавоб бердилар.

Спорт янгиликлари

ПОЛВОНЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Шахримиздаги «Тош куч» спорт мажмуасида эркеклар ва аёллар ўртасида пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.



Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасида маҳаллалар фаоллари, халқ таълими соҳаси ва олий ўқув юртлири вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида «Тошкент шаҳри экологияси» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

ШАҲАР ЭКОЛОГИЯСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Тадбирда сўзга чиққан шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси бош мутахассиси, давлат нозир Дилбар Султонова қурган барглари ёқиб ва битумини очик аланга орқали эриштирилган зарарли томонлари, қўмита бош мутахассиси, давлат нозир Зокир Аҳмедов сув ресурслари тозаланиш таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, қўмита бош мутахассиси, давлат нозир Шайло Абдужалилова шаҳар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш юзасидан амалга оширилаётган назорат ишлари, гуруҳ раҳбари Шавкат Боқиев ўзи яқинда сафарда бўлган Японияда табиатга бўлган муносабат мавзулари юза-

сидан атрофлича тўхталиб, турли масала ва муаммоларнинг ечими бўйича ўринли тақлифлар билдирди. Шунингдек, давра суҳбати давомида пойтахтда мавжуд экологик муаммоларнинг ечимиде фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида ҳам сўз борди. Таъкидлаш жоизки, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, халқ таълими бўлимларида бу йўналишда катта имкониятлар мавжуд бўлиб, улар шаҳар аҳолиси, айниқса ёшларни экологик тадбирларга жалб этиш масаласини ҳал қилишлари аҳолига мавжуд экологик вазият ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги маълум-

отларни етказишлари мумкин. Давра суҳбати якунлари бўйича шахримиздаги мавжуд экологик муаммоларнинг ҳал этилишида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кескин равишда жонлантириш лозимлиги, ушбу йўналишдаги ишларни узлуксиз равишда маҳаллаларда олиб борилиши тўғрисида келишиб олинди. Тадбир давомида экология соҳасида фаолият кўрсатувчи журналистлар ўртасида ўтказилган «Она шахрим экологияси — Тошкент шаҳри 2200 ёшда» кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

Россиянинг Красноярск шахрида эркин кураш бўйича уюштирилган халқаро турнир мамлакатимизда ушбу спорт тури ёшлар орасида тобора оммалашиб бораётганлигини исботлади.

ҲАМЮРТИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ғап шундаки, уч карра Олимпиада чемпиони Бувайса Сайтиев соврини учун жаҳоннинг кўплаб давлатлари полвонлари гиламга чиққан ушбу турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Субҳон Тошпўлатов 83 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини енгиб турнир ғолиблигини кўлга киритди ва олтин медаль билан тақдирланди. Яна бир полвонимиз Муҳаммадсиддиқ Жўраевга 58 килограмм вазнлилар тоифасида кумуш медаль насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

«ПАХТАКОР»ДА ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ

Футбол бўйича мамлакат XIX миллий чемпионати ҳамда Осиё чемпионлар лигаси турнирига жиддий ҳозирлик кўраётган мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Пахтакор» янги мавсумни янги бош мураббий билан бошлайдиган бўлди.

Куни кеча «Пахтакор» футбол клуби матбуот хизмати ташаббуси билан футбол мутахассислари, мухлислар иштирокида уюштирилган матбуот анжуманида ййилганларга бу ҳақда маълум қилинди. 2010 йили уюштирилаётган Осиё чемпионлар лигаси ҳамда XIX мамлакат миллий чемпионатида фақат ғолиб бўлишни ўз олдига мақсад қўйган «Пахтакор» жамоасини эндиликда черногориялик мутахассис Мёдр Градолович бош мураббий сифатида бошқаради. Жамоанинг собиқ бош мураббийси Виктор Жалилов эса «Пахтакор» ўринбосарлари таркибини янада шакллантириш устида иш олиб боради.

(Ўз мухбиримиз)

Мутахассис маслаҳати

БОТУЛИЗМНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Ботулизм — бу овқатдан захарланишнинг энг оғир шакли ва кўп ҳолларда ўлим билан тугаши мумкин бўлган касаллик ҳисобланади.

Касалликнинг кўзгатувчиси спора (қобик) ҳосил қилувчи, анаэроб шароитда яшовчи бактериялар ҳисобланади. Ботулизм бактериялари асосан ҳаво крмайдиган жойда баллиқларнинг ичак қисмида, уй шароитида тайёрланган консерваларда, дулланган гўшт, баллиқларда учрайди. Ботулизм бактериялари ташқи муҳитга тушгандан сўнг қобик ҳосил қилиши, ташқи муҳит таъсирларига ўта чидамлилиги хусусияти билан бошқа бактериялардан ажралиб туради. Споралар 100 градусда қайнатилганда 4-5 соатгача яшайди. Спораларнинг тўлиқ парчаланishi учун 100 градусда 5-6 соат киздирилиши керак. Тупроқда споралар 30 йилга қадар сақланиши мумкин. Споралар совуқ ҳавога ва баъзи кимёвий моддаларга ҳам чидамлидир. Уй шароитидаги консервалаш усулларида ҳам споралар сақланиб қолади. Ботулизм бактериясининг ўзи эмас, балки ундан мўътадил яшаш шароитида ажралиб чиқадиган захари ўта хавфли ҳисобланади. Ботулизм касаллигининг белгилари организмга тушган захар миқдорига кўра 12-24 соатгача давом этадиган яширин даврдан кейин юзага чиқади. Инсон организмига тушган захар қонга сўрилиб, энг аввал асаб тизимига таъсир қилиб, бош миёдаги нерв марказларини зарарлайди, лекин одам ҳушини йўқотмайди, иситмаси чиқмайди. Касалликнинг дастлабки аломатлари қуйидагича: — ошқозон-ичак тизимининг бузилиши бошланади; — оғиз қуриш, чанқаш, кўзларида ва бур-

нида кум борлиги аломатини сезиш; — қуриш қобилиятининг бузилиши, яқиндан кўрмаслик, кўриш ҳолатининг хираланиши, кўзга иккита кўриниш; — юзнинг мушаклари сезгирлиги чегараланиб, ҳатто йўқолади; — юмшоқ тангалга фалажланади, овқат ютиш бузилади, қалқиб кетиш кузатилади, нутқ бузилади; — кўз қовоқларининг тушиши (птоз) юзга келади ва нафас олиш бузилади; — нафас олишнинг бузилиши касалликнинг оғирлашганини билдиради. Ўз вақтида махсус зардоб юборилмаса 70 фоиз ҳолларда фожиа юз бериши мумкин. Бош миёдаги нафас марказининг зарарланиши оқибатида диафрагма фалажланиши содир бўлади. Ботулизмнинг давосида фақат махсус терапия яхши натижа беради. Даволашни имкон борича эрта бошлаш зарур. Ботулизмга қарши антитоксин зардобни юборилиши керак. Касалликнинг олдини олишда асосан номаълум уй шароитида тайёрланган, деҳқон бозорларида савдога чиқарилган консерваларни истеъмол қилмаслик, уй шароитида консервалар тайёрлаш технологиясига қатъий риоя қилиш, «бомбаж» банклардаги махсулотларни истеъмол қилмаслик мақсадга мувофиқдир.

Бехозод ОДИЛОВ  
Ҳамза туман ДСЭНМ овқатланиш гигиенаси бўлими мудири



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҚОНУНИ БОСИТИЙ

Даволар фаслга қараб ўзгаради

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Аммо, жиҳолатлик вақтида руҳ ва ҳарорат ҳамда қонлар ташқи томонга йўналиб, бадан иссиқ бўлади, бироқ нафсоний қувват изтиробли ва унинг сезгиси чегарасиз ва эътибордан соқит бўлади. Аммо зўр хавф, кўрқинч ва ноумидликда ташқарида юз берган сабабдан қочиб, руҳ, ҳарорат ва қонлар ичкарига ружў қилади, рангда ҳарорат ва баданда қизиллик қолмайди. Мана шу хос замонда давонинг ҳарорати совуқ баданга таъсир қилолмайди. Борди-ю таъсир қилса нафсоний қувват ўз изтиробли билан бу таъсирни сеза олмайди. Демак, совуқ деб ҳукм қилади. Шу махсус вақтда юз берган синов, гарчи соҳибининг сезиш даражасига нисбатан дуруст бўлса-да, бошқа вақтда бўлган синовга терс бўлади.

Аммо давога хос бўлган махсус вақт маълумдирки, аксар давода кўзга ташланади. Чунонки баъзи давода бир махсус вақтда бир таъсир бўладики, узокроқ вақт ўтгандан сўнг унда шу таъсир бўлмайди ёки кам бўлади. Шунингдек, даво бир махсус кайфиятда бир муқаррар таъсири бўлиб, кайфияти ўзгарган замонда таъсири ҳам ўзгаради. Масалан, узум мевасининг янгилик вақтида бўлган иссиқлиги намлиги йўқ бўлиб, майиз ҳолига келганда майизнинг иссиқлиги узумдан кучли бўлади.

Маълумки мазкур махсус вақтда юз берган текширув ва имтиҳон, албатта, бошқа замонда бўлган имтиҳонга муҳолиф бўлади. Ҳатто, баъзи даволар борки, ўзи пайдо бўлган мамлакатда мустаҳкам туради, ундаги таъсир боқий бўлади. Агар ўша мамлакатдан бошқа жойга олиб борилса ўша таъсир йўқ бўлади. Масалан, мевалардан Тошкент шаҳар беҳиссида ва гиёҳларидан бинафшасида бир таъсир борки, агар бу иккови бошқа мамлакатга олиб борилса унда бу таъсир бўлмайди. Миср шаҳрининг хулбаси (қашқарбедаси) ҳам мазкур шаҳарда зўр даволардан ҳисобланади. Агар бошқа шаҳарга олиб борилса, мош каби мутлақ овқат сифатида таъсири йўқ бўлади.

Яна доно кишилар назарида махфий эмаски, текширувчининг ҳоли доимо бир маромда бўлмайди. Имтиҳон қилинадиган нарсанинг истеъмолидан аввалроқ ёки кейинроқ юз берган баъзи сабаблар ўша нарсани идрок қилиш ва сезишга тўсиқ бўлгани учун шу имтиҳоннинг ҳукми бошқаларнинг ҳукмига муҳолиф бўлиши мумкин. Демак, зарурдирки, табибларнинг ихтилофларига биноан баъзи тарафларда хато бўлганига бирдан қарор қилмай, балки ихтилофли нарсани ҳозирги аҳолини диққат билан тажриба қилиб, натижа ҳосил бўлгандан сўнг, шунга биноан бир томоннинг ҳукмини тўғри деб қабул қилиш керак. Зероки, ҳар бир нарсадан мақсад ўша нарсанинг таъсири бошқа нарсанда зоҳир бўлишидирки, бизлар шу замоннинг мўътадил мижозликларини назарида иссиқ деб ҳис этилган нарсаларини иссиқ ва совуқ деб ҳис қилган нарсаларини совуқ деб эътибор қилиб, бошқа ихтилофли ҳукмларини эътибордан соқит қиламиз, борди-ю тажрибамиз мукамал бўлиб, ишончга лойиқ бўлолса.

(Давоми бор)  
Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА

АВТОҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзавтотеххизмат» ОАБсининг «Роҳат» автосалони «GM Uzbekiston» ЁАЖда ишлаб чиқарилган «NEXIA DONC», «LACETTI CDX AT» ва «CAPTIVA» автомобилларини республикамиз аҳолисига нақд пулга сотишни давом эттирмоқда.



Манзилимиз: Тошкент ш., Олмалиқ ҳалқаси, 1. Мурожат учун телефонлар: 129-10-13, 129-10-17.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

2009 йил 26 ДЕКАБРДАН 2010 йил 10 ЯНВАРГАЧА

**ЦИРКДА ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ**

**«ЖОДУ ҚИЛИНГАН САЙЁРА СИРИ»**

«Жоду қилинган сайёра сири» Янги йил эртагида эртақдаги цирк артистлари, гимнастлар, акробатлар, масҳарабозлар, алп қоматли кўзбоғлағичлар, кушлар ва ҳайвонлар ёвуз кучларни енгишга ёрдам беришади. Зеро, дўстлик ва садоқат ҳаётимиздаги энг қимматли қадриятлардир.

Томошалар: 11.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.  
Кассанинг телефонлари: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.  
Сайт: [sirk.uz](http://sirk.uz)

**МЧЖ «ХУМО-AVТOSAVDO»**

автосалони қуйидаги автомобилларни миллий валютаимиз — сўмда сотади:

1. CAPTIVA BSC автомат қоробка
2. LACETTI BVD автомат қоробка
3. Нексия DONC 1,6 л

Автосалон манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-мавзе. Мўлжал «Универсам».

Бу ҳақда тўла маълумот олишни истасангиз савдо бўлимига 224-03-99, 449-29-89 телефонларига кўнғироқ қилинг.

**АЗИС ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

«Тошкент-Лада» ОАЖ ҚҚ автосалонида миллий валютага қуйидаги автомобиллар сотилмоқда:

Дамас B-150 DLX B0  
Нексия D 1,6 GLE B0  
Ласетти BVD B3  
Каптив

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 27 (мўлжал — метронинг «С.Раҳимов» бекати атрофида).  
Телефон: 279-28-60.

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати Давлат унитар корхонаси томонидан Бўрибоев Равшан Бўрибой ўғлига берилган тартиб рақами 212552-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва давлат факультети жамоаси академиянинг УАШТ ички касалликлар ва клиник алергология кафедраси профессори **Умрзоқ Ганжиевич БЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

**Ҳурматли тадбиркорлар!**

Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:

269-14-45, 262-92-42  
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси марказининг ой-кунига етмаган болаларни парвариш қилиш бўлими мудири, шифокор-неонатолог, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Матлуба Муҳаммадҷонова АЗИМДЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.  
1 2 3 4 5